



**КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎҚ ОТИШ
МАШҒУЛОТЛАРИДА ЖАНГОВАР ВА ЖИСМОНИЙ
СИФАТЛАР КОНВЕРГЕНЦИЯСИ**

Алижонов Азизжон Турсуналиевич

ИИБ Малака ошириш институти Жанговар

тайёргарлик цикли бошлиғи, доцент, подполковник. Тел: +998998353002

Алижонов Азизжон Турсуналиевич

Начальник цикла Боевой подготовки Института повышения квалификации

МВД Республики Узбекистан, доцент, подполковник Тел: +998998353002

Alijonov Azizjon Tursunaliyevich

*Head of the combat training cycle of the Institute of Advanced Training of
the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Associate*

Professor, Lieutenant Colonel. Tel: +998998353002

Аннотация: Мазкур мақолада Жанубий Корея полициясининг ўқ отиш тайёргарлиги машғулотларида жисмоний ва жанговар тайёргарликнинг уйғунлиги, қурол ишлатишдан аввал огоҳлантириш берилиш тартиби ҳамда инсон ҳаётини асрашга қаратилган нишонлардан фойдаланиш каби самарали методик ёндашувлари таҳлил қилинган. Шунингдек, бу тажрибаларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари жанговар тайёргарлик тизимига жорий этиш зарурати асослаб берилган.

Калит сўзлар: Жанубий Корея полицияси, ўқ отиш машғулотлари, жисмоний зўриқиш, конвергенция, жанговар тайёргарлик, инсон ҳуқуқлари, тезкорлик ва аниқлик. инсонпарварлик сиёсати.



КОНВЕРГЕНЦИЯ БОЕВЫХ И ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ В ОГНЕВОЙ ПОДГОТОВКЕ РЕСПУБЛИКИ КОРЕЯ

Аннотация: В данной статье проанализированы эффективные методические подходы, используемые в подготовке к стрельбе полиции Республики Корея, такие как интеграция физической и боевой подготовки, порядок обязательного предупреждения перед применением огнестрельного оружия, а также использование мишеней, направленных на сохранение жизни человека. Также обоснована необходимость внедрения данного опыта в систему боевой подготовки органов внутренних дел Республики Узбекистан.

Ключевые слова: полиция Республики Корея, стрельбовые тренировки, физическая нагрузка, конвергенция, боевая подготовка, права человека, оперативность и точность, гуманная политика.

CONVERGENCE OF COMBAT AND PHYSICAL QUALITIES IN THE FIREARMS TRAINING OF THE REPUBLIC OF KOREA

Abstract: This article analyzes the effective methodological approaches employed in the firearms training of the Republic of Korea's police, including the integration of physical and combat training, the mandatory warning procedure before the use of firearms, and the use of targets aimed at preserving human life. The article also substantiates the necessity of introducing this experience into the combat training system of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Republic of Korea police, firearms training, physical exertion, convergence, combat readiness, human rights, speed and accuracy, humane policy.



Бугунги кун шароитида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун ўқ олиш тайёргарлиги курсини такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир. Зеро, замонавий таҳдидлар, технологик тараққиёт ва жамиятдаги ҳуқуқий талаблар ушбу курсни ўзлаштириш методикасини илмий ёндашув асосида қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Ўқ олиш тайёргарлиги курси методикасини илмий ёндашувлар асосида кўриб чиқиш мақсадида биз Жанубий Корея полицияси тажрибасини ўрганишни мақсад қилиб белгиладик. Чунки Жанубий Корея полицияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро эътирофга сазовор бўлган кучли полиция тизимларидан бири ҳисобланади. Жанубий Корея полицияси фаолияти замонавий технологиялар, юксак профессионал тайёргарлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган. Айниқса, кучни эҳтиёткорлик билан қўллаш борасидаги тажрибаси кўплаб давлатлар томонидан ўрганилмоқда.

Жанубий Корея полицияси нафақат мамлакатда барқарорликни сақлашда, балки халқаро даражада ўрнатилган бўла оладиган тизимга айланган. Уларнинг профессионал ёндашуви, инсонпарварликка асосланган сиёсати ва юксак жанговар тайёргарлиги замонавий полиция моделининг ёрқин намунаси сифатида тан олинмоқда.

Бошқа аспектлар каби Жанубий Корея полициясининг ўқ олиш машғулотлари бутун дунё бўйлаб алоҳида эътироф этилаётган ва ўзига хос ёндашувга эга бўлган тизимдир [1]. Ташкил этиладиган ўқув машғулотлар нафақат техник кўникмаларни ўргатади, балки инсон ҳуқуқлари ва муносабат куч ишлатиш асосида шакллантирилган.

Жанубий Корея полициясининг ўқ олиш машғулотини ўрганар эканмиз, уларнинг тажрибасида айрим янги жиҳатларни кузатишимиз мумкин. Масалан, ходимлар ўқ олиш машғулотини бошлашдан олдин жисмоний машқларини бажаришлари, ўқ олиш машғулотига аниқ



ифодаланган огоҳлантириш беришнинг татбиқ этилганлиги [2] ҳамда махсус нишонларнинг фақат оёқ шаклида эканлиги каби тартиботлар ўқ отиш машғулотининг методик жиҳатдан юқори даражада ташкил этилаётганлигидан далолат беради. Қуйида мазкур учта жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтилади:

1. Жанубий Корея полицияси томонидан ўтказиладиган ўқ отиш машғулотларида отишдан аввал жисмоний зўриқиш конвергенциясига алоҳида эътибор қаратилиши лозим [3].


Ўқ отиш тайёргарлиги курсида жисмоний тайёргарлик машқларини ўқ отиш машқларига конвергенция қилиш – бу замонавий ҳарбий ва тактик тайёргарликда жуда муҳим ва долзарб ёндашув ҳисобланади. Буни содда ва тушунарли қилиб изоҳлаб айтганда жисмоний тайёргарлик машқларини шунчаки алоҳида эмас, балки уларни ўқ отиш машқлари билан боғлаш, интеграция қилиш демакдир.

Ўқ отиш тайёргарлиги курсига жисмоний конвергенциянинг татбиқ этишнинг мақсадлари бўлиб, стресс ҳолатида аниқ ўқ отишни ўрганиш [4], юрак уриши тезлашганда ҳам мўлжални аниқ сақлаш, ҳақиқий жанговар вазиятни моделлаштириш, жисмоний чарчоқ ҳолатида тўғри қарор қабул қилишни машқ қилиш ва моторика (ҳаракат) ва зеҳн фаолиятини уйғунлаштириш ҳисобланади.


Бу амалий машғулотлар олиб бориш давомида ўқ отишга тайёргарлиги жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Жисмоний конвергенция асосан, стресс остида инсон танаси ва онги қандай ҳаракат қилишини, қарор қабул қилиш тезлиги ва аниқлигини ўрганишни англатади. Жанубий Кореяда полиция ходимлари реал ҳаётдаги хавфли ҳолатларга дуч келганида, улар фақатгина техник жиҳатдан эмас, балки психологик ва жисмоний жиҳатдан ҳам тайёр бўлиши лозим.



Жисмоний зўриқиш конвергенцияси машғулотларда турли ҳолатларда синовдан ўтказилади [5]. Масалан, полициячилар югуриш, ўтириб сакраш (Jumping jack, burpee) каби жисмоний машқлар билан чарчатилади (1,2–расмлар), сўнгра уларга аниқлик билан нишонга олиш ва қарор қабул қилиш топширилади. Бу орқали улар реал вазиятда юзага келадиган юрак уришининг тезлашуви, нафас қисиши, қўлларнинг қалтираши каби ҳолатларга нисбатан ўзларини қандай тутишни ўрганадилар. Яъни, бу машқлар орқали ўқотар қуролни қўллашга оид қарорлар онгсиз рефлексларга эмас, балки онгли ва таҳлил қилинган ҳаракатларга асосланишини таъминлаш мақсад қилинган. Полиция ходимлари стресс остида ҳам вазиятни тўғри баҳолай олиши керак.



1–расм. “Jumping jack” машқини бажариш тартиби.





2-расм. “Burpee” машқини бажариш тартиби.

Жанубий Корея полицияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ўқотар қуролни қўллашда мутаносибликни таъминлашни асосий мақсад қилган. Улар учун ўқ отиш – бу фақат техник кўникма эмас, балки масъулиятли қарор қабул қилишнинг бир шакли ҳисобланади.

Жисмоний зўриқишни ўқ отиш машқларига конвергенция қилиш қуйидаги афзалликларга эга:

- жисмоний чарчаш ҳолатига чидамликни пайдо бўлиши;
- қўл ва кўзда тезкорликда нишонни мўлжалга олиш ривожланади;
- стресс ҳолатида ҳам аниқликда ўқ отиш кўникмаси шакиллантирилади;
- хавфли вазиятларга тайёр туриш қобилияти ортиб борилади.

Қисқа қилиб айтганда, конвергенция полиция ходимларининг ҳар томонлама тайёрлигини таъминлаб, уларни нафақат куч ишлатишда, балки инсон ҳаётини ҳимоя қилишда ҳам фаол ва онгли иштирокчига айлантиради.

Ўзбекистон ички ишлар органлари соҳавий хизматлар амалиётида ва таълим муассасаларининг ўқ отиш машғулотларини ташкил этишда жисмоний зўриқиш конвергенцияси йўлга қўйилмаган.

Ҳозирда ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимлари, таҳсил олаётган курсантлар ва тингловчилар ўтказилган йўриқномадан сўнг, тўғри дастлабки маррага келиб, патрон билан таъминланмоқдалар ва ҳеч қандай жисмоний зўриқишсиз ўт очиш маррасига команда асосида қадам босиб, турган жойдан ўқ отишни амалга оширмоқдалар. Бу эса ўқ отиш машғулотининг реал ҳолатдаги ўқ отиш амалиётидан узоқлашувига сабаб бўлмоқда [6]. Шу муносабат билан, “Ўқ отиш машғулотларида юқори натижани кўрсатган ходимлар, курсантлар ва тингловчилар амалиётда ҳам қурол қўллаётганида юқори натижа қайд этади”, деган хулосага келиш мутлақо хато. Чунки, ўқ отиш машғулотлари ҳеч қандай жисмоний



зўриқишсиз, руҳий босимсиз ўтказилаётган жараён сифатида таърифланмоқда. Фикримизча, Жанубий Кореянинг жисмоний зўриқиш бўйича тажрибасини миллий тизимимизга жорий этиш, яъни Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида таҳсил олаётган бошланғич касбий тайёргарлик, махсус касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курслари ўқув дастурларига ўзгартириш киритиш орқали, яъни жисмоний зўриқиш машқларини ўқ отиш тайёргарлиги ўқув курси мавзуларига киритиш орқали ички ишлар органлари ходимларининг ўқ отиш тайёргарлиги методикасида [7] мавжуд бўлган бўшлиқни тўлдириш ва ички ишлар органлари ходимлари томонидан реал ҳолатдаги ўқ отиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2. Жанубий Корея полицияси томонидан ўқ отиш машғулотларига қурол қўллашдан олдин аниқ ифодаланган огоҳлантириш берилишининг татбиқ этилиши – бу инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ўқотар қуролни фақат зарурат туғилгандагина қўллашга асосланган ҳуқуқий ҳаракатлар ҳисобланади. Полиция томонидан бериладиган огоҳлантириш сўз орқали ёки баланд овозли чақирик билан амалга оширилади.

Ушбу ёндашувнинг асоси – фуқароларнинг ҳаётини иложи борида сақлаб қолиш ва ўқотар қуролни қўллашга фақат энг охирги чора сифатида мурожаат қилишдан иборат. Полиция ходимларининг ҳаракати қатъий тартибга солинган бўлиб, улар ҳар қандай вазиятда биринчи навбатда огоҳлантириш орқали муаммони ҳал этишга интилишади. Бу амалиётнинг мақсади – фуқароларга етказилиши мумкин бўлган зарарни камайтириш ва эҳтимолий қон тўкилишнинг олдини олишдир. Огоҳлантириш бериш орқали ижтимоий хавfli қилмиш содир этаётган ёки этган шахсга ўз ҳаракатларини қайта кўриб чиқиш имконияти яратилади. Кўпинча бундай огоҳлантиришлар ижтимоий хавfli қилмиш содир этаётган ёки этган шахсни таслим бўлишга



ундайди ва вазиятни ҳал қилишда қурол қўлланмасдан туриб муваффақиятга эришилади.

Жанубий Корея полицияси бу орқали ўқотар қуролни қўллашнинг мутаносиблик ва зарурат тамойилларига амал қилади. Бу ёндашув халқаро миқёсдаги ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга ҳам мос келади. Айниқса, халқаро стандартлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ташкилотлар ушбу амалиётни юқори баҳолаб келмоқда [8].


Ҳозирда, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида ўқ отиш машғулотларини амалга оширишда асосий урғу машғулотни тактик тўғри бажариш ва натижадорликка қаратилмоқда. Ички ишлар органларида ўқ отиш тайёргарлиги курси бўйича мавжуд бўлган ўқ отиш машқлардан қай бирини ўрганмайлик, амалий ўқ отиш машқни бажариш алгоритмида огоҳлантириш бериш амалини кўрмаймиз. Бу эса машғулотни ташкил этишда мавжуд бўлган йирик методик камчилиги ҳисобланади ва ходимларни, курсант ва тингловчиларни ўқ отишдан аввал огоҳлантириш беришга ўргатмаслик, келгусида хизмат фаолиятида қайтариб бўлмайдиган ва катта ҳуқуқий зарарларни келтириб чиқаради.

Полиция ходими томонидан огоҳлантириш бериш ўқотар қуролни қўллашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У нафақат ҳуқуқий томондан ифодаланиб қолмасдан, балки машғулотни ташкил этишда методик жиҳатдан татбиқ этилиши зарур. Фикримизча, огоҳлантириш беришнинг ички ишлар органлари ўқ отиш машғулотларига татбиқ этилиши, методик ва ҳуқуқий жиҳатдан муваффақиятга эришишга замин яратади.

3. Жанубий Корея полициясининг ўқ отиш тайёргарлиги курсини ўзлаштириш жараёнини кузатар эканмиз, ўқ отишни ўргатишда нишонларнинг фақат оёқ қисмидан иборат шаклда бўлишини гувоҳи бўлишимиз мумкин (3-расм). Бу усул, биринчи навбатда, инсон ҳаётини




максимал даражада асрашга қаратилган бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларига мос келади. Одатда, кўплаб давлатларда полиция ходимлари марказий тана қисмларини нишонга олишга ўргатилади. Бундай ҳолатда ўқ тегиши инсон ҳаёти учун жиддий хавф туғдиради. Бироқ, Жанубий Кореяда ўқ отиш машқларида оёқ шаклидаги нишонлардан фойдаланиш [9] – бу эҳтиёткорлик, ҳар бир инсон ҳаётининг қадрли эканлигини ифодалашнинг юксак намунасидир.



Оёқни нишонга олиш орқали полиция ходимлари воқеа жойида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларни зарарсизлантиришга ҳаракат қилади, бироқ бу жараёнда унинг ҳаётига хавф солинмайди (Яъни полиция томонидан қурол қўллашнинг объекти инсон ҳаёти эмас, балки, инсон соғлиғи бўлади). Бундай ёндашув халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрларига монанд бўлиб, ўқотар қуролни қўллашнинг мутаносиблик тамойилига амал қилишни таъминлайди [10]. Бу тизим полиция ходимларининг фақатгина куч орқали тартибни сақлаш билан чекланмасдан, балки инсон шаъни ва ҳаётини ҳурмат қилишга даъват этишини кўрсатади.

3-расм. Корея республикасида фойдаланиладиган оёқ қисмидан иборат шакл.

Шунингдек, оёқ шаклидаги нишонлар полиция ходимларининг психологик тайёргарлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Улар ўз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан ўйлаб, зарур бўлмаган ҳолларда ўқ



отишдан тийиладилар. Бу эса жамиятда полиция ходимларига нисбатан ишончни мустаҳкамлашга ва ижобий обриси шаклланишига хизмат қилади.

Ҳозирда, мамлакатамиз ички ишлар органлари тизимида ўқ отиш машғулотларини



ташкил этишида асосан 4–сонли кўкрак қиёфали нишондан фойдаланилмоқда [11] (4-расм). Яъни, Ўзбекистонда ички ишлар органлари ходимларига ўқ отишни ўргатишида инсон танасининг кўкрак қисмидан бош қисмигача бўлган ҳудуд танланмоқда. Албатта, ушбу машқлардан ҳосил қилинадиган кўникама терроризмга қарши кураш, гаровдагиларни озод қилиш ёки қуролланган гуруҳларни зарарсизлантиришида қўл келиши мумкин. Лекин, ходим хизмат фаолиятида ўқотар қуролни қўллашни тақозо этган барча ҳолларда унинг объекти инсон ҳаёти бўлаверса, мутаносиблик тамойили бузилади ва ходим томонидан келтирилган зарар ортиб кетади.

4-расм. 4-нишон. Айланали кўкрак баробар шакл.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5–боби 21–моддаси 5–хатбошиида “Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти–ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.”[12] дея, белгилаб ўтилган.

Фикримизча, Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида ўқ отиш тайёргарлиги курси бўйича олиб бориладиган амалий ўқ отиш машгулотларида оёқ шаклидаги нишонлардан фойдаланишни жорий этиш, машгулотнинг самарадорлигига методик жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатади ва қонунийликни таъминлашга ўзининг улкан ҳиссасини қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Amnesty International. (2021). Use of Force by Law Enforcement: International Human Rights Standards. London: Amnesty International Publications.



2. Lee, H. J., & Choi, M. K. (2019). Human Rights and Use of Firearms in South Korean Police Practice. *International Journal of Police Science & Management*, 21(1), 30-42.
3. Kim, S. H., & Park, J. W. (2020). Integration of Physical and Combat Training in Korean Police Firearms Preparation. *Journal of Law Enforcement Science*, 12(3), 45-60.
4. World Health Organization (WHO). (2019). *Mental and Physical Health in High-Stress Occupations*. Geneva: WHO Press.
5. Kravchenko, V. N. (2018). *Tactical and Psychological Aspects of Police Firearms Training*. Moscow: Security Studies Press.
6. Zaitsev, A. V., & Mamedov, R. T. (2022). Improving Firearms Training Methodologies in Central Asian Police Forces. *Central Asian Journal of Security Studies*, 8(1), 65-79.
7. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). (2017). *Human Rights and Policing: Guidelines on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials*. Vienna: United Nations Publications.
8. Uzbekistan Ministry of Internal Affairs. (2023). *Internal Affairs Training Program: Firearms and Tactical Preparation*. Tashkent: Ministry of Internal Affairs Publishing.
9. Republic of Korea National Police Agency. (2018). *Guidelines for Firearms Training and Use of Force*. Seoul: National Police Publishing.
10. Park, J. Y. (2021). Stress and Physical Fatigue Convergence in Tactical Firearms Training. *Asian Journal of Military and Police Training*, 15(2), 112-128.
11. Ички ишлар вазирининг 2024-йил 5-октябрдаги “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкил этиш, малака тоифаси ҳамда рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 555-сон буйруғининг 3-илоvasи.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни // ЎРҚ-407-сон.